



ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ СОҶАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҶАТЛАРИ

и.ф.д., проф. **Иватов Ирисбек**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-5882-110X

irisbek1204@mail.ru

Аннотация. Мақолада умумий овқатланиш хизматларининг асосий фаолият кўрсаткичлари тизимини баҳолашнинг асосий элементлари умумлаштирилган ва уни баҳолашнинг роли ўрганилиб, савдо ва миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш платформасини шакллантиришда умумий овқатланиш хизматларини ривожлантиришга эътибор берилган. Умумий овқатланиш корхонаси ўз хусусиятларига кўра муркккаб ижтимоий-иқтисодий тизимларга мансуб эканлиги асосланган.

Калитли сўзлар: умумий овқатланиш хизматлари, умумий овқатланиш корхоналари, овқатланиш корхоналари турлари, миллий иқтисодиёт, синергетик самарадорлик.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ В ПРОЦЕССЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

д.э.н., проф. **Иватов Ирисбек**

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье обобщены основные элементы оценки системы ключевых показателей эффективности деятельности предприятий общественного питания и рассмотрена роль ее оценки, уделено внимание развитию предприятий общественного питания в формировании платформы устойчивого развития торговли и национальной экономики. Обосновано, что предприятия общественного питания по своим характеристикам относятся к сложным социально-экономическим системам.

Ключевые слова: услуги общественного питания, предприятия общественного питания, виды предприятий общественного питания, национальная экономика, синергетическая эффективность.

THEORETICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF THE FIELD OF FOOD SERVICES IN THE PROCESS OF PROVIDING ECONOMIC DEVELOPMENT

DSc, prof. **Ivatov Irisbek**

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article summarizes the main elements of the evaluation of the system of key performance indicators of general catering services and examines the role of its evaluation, paying attention to the development of general catering services in the formation of a platform for the sustainable development of trade and the national economy. It is based on the fact that the catering enterprise belongs to complex socio-economic systems according to its characteristics.

Keywords: catering services, catering establishments, types of catering establishments, national economy, synergistic efficiency.

Кириш.

Иқтисодий ўзгаришларнинг ҳозирги босқичида, хусусан, савдонинг муҳим тармоқларидан бири бўлган умумий овқатланиш корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади. Белгиланган мақсадларнинг мураккаблиги мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида тармоқнинг бозор механизмида асосий бўғинга айланиб бораётган умумий овқатланиш корхонаси деган тушунчанинг моҳияти ва мазмунини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг кўп омилли ҳамда мураккаб жараён эканлигини, унинг зиддиятли жиҳатларини англаш, рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни теран таҳлил қилиш ва баҳолаш шу кун талабларидан келиб чиқади. Республикада савдо хизматларини ривожлантиришда истеъмолчиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини сифатли қондиришни таъминлаш масалалари устувор вазифалардан ҳисобланиб, савдо хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари кўрсаткичларини ишлаб чиқиш масалаларини ҳал қилишга катта эътибор берилмоқда.

Глобал рақобат кучайиб бораётган шароитда умумий овқатланиш хизматларини ривожлантиришнинг аҳамияти сезиларли тарзда ошиб бормоқда. Аҳолига кўрсатиладиган умумий овқатланиш хизматлари сифатини ошириш, савдо хизматларини инновацион ва рақамлаштириш асосида тараққий эттиришга устуворлик бериш, хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш, соҳанинг келгуси тараққиёт стратегиясини белгилаб олиш кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар шарҳи.

Бозорга йўналтирилган хизматнинг асоси сифатида савдо ва умумий овқатланиш хизматлари фаолиятини амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари хориж олимларидан Портер Майкл (2005) савдо хизматларини ташкил этиш, Фатрель (1995) савдо фаолиятини йўлга қўйиш асосларини, Мате (1993) савдода ва савдодан кейинги хизматларни бошқариш жараёнларини ўрганишга ҳаракат қилишган. МДХ давлатлари иқтисодчи олимлари Фридман (2003) савдо ва умумий овқатланиш хизматлари иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш, Лапыгин (2010) савдо жараёнида истеъмолчилар ҳаракати, Синецкий (1998), Шодиев (2005) каби етакчи олимлар савдо ва умумий овқатланиш хизматларида самарадорликни ошириш ва бунга эришишда турли хил моделларни таклиф этишган. Ўзбекистонлик олимлардан Расулев (1998), Муҳаммедов (1998) каби олимлар корхонанинг савдо ва технологик тизимлари жараёнларида савдони ва умумий овқатланиш хизматлари бошқариш назарияси ва амалиёти соҳасидаги муҳим илмий ва амалий ютуқларига қарамасдан, мавжуд умумий овқатланиш хизматлари турлари ва технологик тизимлар учун статистик-иқтисодий таҳлил ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари иқтисодий адабиётларда тўлиқ даражада ёритилмаганлиги ушбу мавзуда илмий мақола тадқиқотини амалга оширишни тақозо этди.

Тадқиқот методологияси.

Мақола тадқиқотининг назарий ва услубий асосини иқтисод фани классикларининг фундаментал илмий ва амалий ишлари, ўрганилаётган муаммо бўйича етакчи маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишлари, фаолият кўрсатиш муаммолари бўйича ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот ва савдо ташкилотларининг ишланмалари ташкил этади ва савдони ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш тизими, халқаро, миллий ва минтақавий илмий-амалий конференциялар ва семинарлар материаллари, даврий илмий журналларда нашрлар, савдони ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий

хужжатлар, Республика ва ижро ҳокимияти ва савдони бошқаришнинг ҳудудий дастурлари ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистоннинг марказлаштирилган ва режалаштирилган иқтисодиётдан эркин хўжалик муносабатларига асосланган бозор иқтисодиётига ҳамда бошқаришнинг янги иқтисодий тизимига ўтиши шароитида иқтисодиётнинг асосий субъектларидан бири бўлган корхоналарнинг мулк шакли, уларнинг таркиби ва фаолият олиб борадиган муҳити ҳам ўзгариб боради. Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти муносабатларини фаол шакллантириш жараёни иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш ҳисобига содир бўлмоқда. Бу жараёнларда умумий овқатланиш корхонаси аниқ белгиланган мақсадли йўналишга эга бўлиб, ягона моддий, умумий овқатланиш-технологик ва ташкилий-иқтисодий таркиби билан характерланади. Моддий таркиб деганда моддий ресурсларнинг умумийлиги, бир хил типдаги иншоотлар ва умумий овқатланиш-технологик ускуналардан фойдаланиш тушунилади. Умумий овқатланиш хизматларини жаҳон андозасига мос ривожлантиришни ҳамда ундаги корхоналарнинг тижорат фаолияти самарадорлиги ўсиб боришини таъминлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш бўйича катта хорижий тажриба мавжуд бўлиб, турли савдо қилиш усуллари қўллаш орқали савдо ҳажмини ошириш корхонанинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда[10]. Жаҳон тажрибасига асосланиб, янги бозорларни эгаллаш, умумий овқатланиш хизматларининг бозордаги улушини ошириш каби стратегик мақсадларни амалга оширади ҳамда сотув жараёнида тобора кўпроқ инновацион технологиялар қўлланиш имкониятини яратади.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида жаҳоннинг етакчи давлатлари билан халқаро иқтисодий сиёсий алоқаларнинг ривожлантириш ҳамда халқаро тажрибадан фойдаланиш мамлакатимизда умумий овқатланиш хизматлари тармоқлари тизимини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш янги имкониятларини юзага келтиради. Умумий овқатланиш корхонаси ўз хусусиятларига кўра муркккаб ижтимоий-иқтисодий тизимларга мансуб ҳисобланади. Умумий овқатланиш корхонаси очиқ тизимдир, чунки у мунтазам равишда ташқи муҳит билан ахборот алмашилиб туради, унга кириш ва чиқишни назорат қилади ҳамда иккита мустақил ва ўзаро алоқа қилувчи таркибий қисм-объект ва субъекдан иборат бўлади.

Умумий овқатланиш корхонаси тизимида таъсир кўрсатувчи объект сифатида моддий шароитлар, технологик, техник, ташкилий жараёнлар, шунингдек, корхона аҳолига хизмат кўрсатаётган пайтда ходимлар ўртасидаги муносабатларнинг йиғиндисидан кўриб чиқилади. Махсус гуруҳ (бошқарув аппарати) эса субъект бўлиб, у иқтисодий таъсир кўрсатиш йўли билан объектнинг мақсадли йўналган фаолият юритишини амалга оширади.

Шундан келиб чиққан ҳолда умумий овқатланиш корхонаси ташқи муҳит билан мунтазам равишда давлат томонидан тартибга солиш ва бозордаги рақобатчилик механизмлари, молия-кредит тизими, ресурслар истеъмоли, харидорлар ва маҳаллий ҳукумат органлари билан ўзаро муносабатлар орқали алоқада бўлади ҳамда очиқ тизим сифатида умумий овқатланиш фаолиятида ҳисобга олиниши лозим бўлган бир қатор хусусиятларга эгалик қилади.

Ички муҳит деганда корхонанинг бутун хўжалик механизми, яъни умумий овқатланиш-ишлаб чиқариш, бошқарув, сотув ва бошқа тузилмалари тушунилади.

Ташқи муҳит деганда эса корхона фаолиятидан қатъий назар атроф-муҳитда юзага келувчи омил ва шароитлар тушунилади. Ташқи муҳитнинг асосий омилларини икки гуруҳга тақсимлаш мумкин: бевосита ва билвосита таъсир омиллари.

Бевосита таъсир омилларига қуйидагилар мансуб:

бозор муносабатларининг ҳолати ва характери;

корхона сотаётган товарлар ва таклиф қилаётган хизматларга бўлган талаб ва таклиф нисбати, истеъмолчиларнинг товарга талаб даражаси ва рақобатчи корхоналар фаолияти, бозордаги умумий овқатланиш шароитлари.

Билвосита таъсир омиллари қаторига қуйидаги умумиқтисодий ва умумсиёсий омилларни киритиш мумкин: давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати барқарорлиги; корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирувчи молия-кредит ва солиқ сиёсати; ривожланган умумий овқатланиш инфратузилмасининг мавжудлиги; корхона ва фирмаларни қўллаб-қувватловчи турли жамғармаларнинг фаолият юритиши; умумий овқатланиш-технология ускуналарини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг ривожланганлиги; корхоналарнинг хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш жараёнини соддалаштириш; корхоналарнинг ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари билан таъминланганлиги; ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги (Фридман, 2003).

Фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш корхоналари бажараётган вазифалари, ташкилий-ҳуқуқий шакли, миқёси ва фаолият йўналишига кўра турли-тумандир. Барча умумий овқатланиш корхоналарини қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин: а) фуқаролик-ҳуқуқий нормалар бўйича; б) миқдорий кўрсаткичлар бўйича; в) тармоқлар бўйича, яъни умумий овқатланиш-хўжалик фаолиятининг тури ва характери бўйича. Ҳуқуқий жиҳатдан умумий овқатланиш корхоналари фаолиятининг мақсади, мулкчилик шакли, таъсисчилар таркиби, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари, корхонанинг мулкӣ ҳуқуқи ҳажми, таъсисчиларнинг шахсан ёки мулки билан иштрок этиши, ташкил топиш тартиби, таъсис ҳужжатлари таркибидан келиб чиққан ҳолда таснифланади.

Умумий овқатланиш корхоналарини миқдорий кўрсаткичлар бўйича йирик, ўрта ва майда корхоналар сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолда ходимлар сони, йиллик капитал айланмаси, товар айланмаси ҳажми, умумий овқатланиш майдонлари ҳажми, умумий овқатланиш залининг кўрсаткичлари асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг асосида тадбиркорлик фаолиятининг муайян субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими ётади. Бу субъектлар мустақил равишда фаолият кўрсатиши ҳамда ўз муаммоларини қонун ва қоидалар доирасида ҳал қилишлари лозим. Бозор умумий овқатланишси бўйича жаҳон тажрибалари шундан далолат берадики, замонавий бозор муносабатлари исталган мамлакатда давлат қонунчилиги томонидан тартибга солиб борилади. Ҳозирги кунда давлатнинг тадбиркорликни ривожлантириш, давлат идораларининг хусусий бизнес субъектлари билан муносабатларининг ташкилий шаклини ўзгартириш, давлат ва бозор томонидан тартибга солиш механизмларининг оптимал уйғунлиги томон ҳаракатларининг кучайиши кузатилмоқда.

Умумий кўринишда давлат томонидан тартибга солиш вазифалари қаторига тадбиркорлар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, корхона фаолиятига маъмуриятнинг аралашувини чеклаш, соғлом рақобатчилик муҳитини яратиш, ишбилармонликни рағбатлантириш, молиявий, солиқ ва инвестиция сиёсати ёрдамида товар-пул ва бюджет мувозанатини таъминлаш, монополияга қарши кураш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишни киритиш мумкин.

Давлат томонидан тартибга солишнинг йўналишлари, шакл ва усуллари доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Бу ўзгаришлар ҳозирги босқичда умумий овқатланиш соҳасида иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи мос келувчи қонунчиликни амалга ошириш йўли билан маъмурий усуллардан иқтисодий ва ҳуқуқий усулларга ўтишни англатади.

Бозор шароитларида харидорлар зарур товарларни сотиб олар экан, умумий овқатланиш корхоналарининг хизматларидан фойдаланиш давомида фуқаролик қонунчилиги қоидалари билан тартибга солинувчи мулк муносабатларда иштирок этади. Шу тариқа, бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан томонларнинг ҳуқуқий тенглиги асосида мулкчилик муносабатларини тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқининг роли ва аҳамияти ўсиб боради. Барча қонунчилик ҳужжатларини уларнинг ҳуқуқий кучига кўра қонун ва норматив ҳужжатларга тақсимлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқларини белгилаб беради ва мамлакат ҳудудида мулкчилик муносабатларини тартибга солади. Қонунчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси алоҳида ўринга эга. Унга кўра жамиятдаги барча муносабатлар тартибга солинади ва у турли хил фаолият, жумладан, умумий овқатланиш соҳасидаги барча жорий қонун ҳужжатларининг ривожланиш учун асос ҳисобланади.

Ҳозирги кунда “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” қонунини қабул қилиш йўли билан истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, сертификация, метрология ва стандартлаштириш соҳасида умумий овқатланишни давлат томонидан назорат қилиш қоидалари белгилаб берилган. Умумий овқатланиш корхоналари ривожланишнинг бозор концепциясига ўтиши уларнинг мақсадли функцияларини ўзгартириб юборди ва бу ҳўжалик жараёнини тавсифловчи иқтисодий кўрсаткичлар тизимида ўз аксини топди. Бу аввало чакана умумий овқатланиш айланмаси кўрсаткичларига тааллуқлидир.

Умумий овқатланиш билан боғлиқ хизматлар турли типдаги корхоналар томонидан кўрсатилади. Хар бир давлатнинг, халқнинг менталитети, урф одатлари, табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб бу турдаги корхоналарнинг ер юзида кўплаб шакллари ва турлари пайдо бўлган ва фаолият олиб бормоқда. Аммо, ханузгача умумий овқатланиш корхоналарининг таснифи ва турланиши бўйича аниқ универсал стандартлар мавжуд эмас. Бу айни соҳа муракаблик ва ўзгарувчанлик хусусиятларига эга эканлигидан турли манбаларда турлича фикр ва ёндашувлар мавжуд.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса тариқасида шуни қайд қиламизки:

Умумий овқатланиш хизматлари соҳасининг ривожланиш истиқболлари республикамызда олиб борилаётган ислохотлар таъсирида рўй бериб, келажакда мазкур соҳанинг ривожланиши қуйидагиларда намоён булади:

умумий овқатланиш хизматлари соҳаси иқтисодий тараққиётда муҳим позицияни эгаллайди;

умумий овқатланиш корхоналари сони кўпайиб, соҳада банд бўлганлар сони янада ортади;

соҳада рақобат кучайиши натижасида юқори сифат ўзгаришларига эришилади;

тармоқда савдо, дам олиш ва транспорт соҳаларини ўзида жамлаб олган янги рақобатчи корхоналар сони ўсиб боради;

гастрономик туризм ривожини орқали умумий овқатланиш соҳаси туризмни янада ривожланишини қўллаб-қувватловчи соҳа сифатида мустахкам ўрин тутати.

Адабиётлар/Литература/Reference:

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2022 yil 28 yanvarda PF-60-son Farmoni bilan tasdiqlangan "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Tarraqiyot strategiyasi".

WTO (2021), World Trade Report 2021: The Future of Services Trade, Geneva: WTO. Trade in services is defined in the General Agreement on Trade in Services (GATS) as comprising four

modes of supply: 1 – cross-border supply; 2 – consumption abroad; 3 – commercial presence; and 4 – movement of natural persons.

Коммерческий директор (2024). Показатели эффективности деятельности предприятия. [online] Kom-dir.ru. Available at: <https://www.kom-dir.ru/article/1457-pokazateli-effektivnosti-deyatelnosti>.

Лапыгин Ю.Н. (2010) Стратегический менеджмент: учеб. пособие. –М.: Эксмо, –432 с.

Мате Э. (1993) Послепродажное обслуживание: Пер. с франц. / Общ. ред. В. С. Загашвили. –М.: А/О Издательская группа «Прогресс», -160 с.

Муҳаммедов М.М. и др. (1998) Экономика торговли. –Самарқанд. с. 282;

Портер Е. Майкл. (2005) Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов: Пер. с англ. –М.: Альпина Бизнес Бунес, –454 с.

Расулев М.Р. (1998) Бозор иқтисодиёти асослари. –Т.: Ўзбекистон, - 380 б.

Синецкий Б.И. (1998) Основы коммерческой деятельности. –М.: Юристъ.

Фатреля Ч. (1995) Основы торговли / Пер. с англ. - Тольятти: Издательский дом ДОВГАНЬ, - 720 с.

Фридман А.М. (2003) Экономика предприятий торговли и питания потребителского общества. Учебник. –М.: «Дишков и К». -628с.

Шодиев Р. (2005) Ноишлаб чиқариш соҳаси иқтисодиёти. Монография. –Т.: “Фан”, – 256 б.